



2015/08 №27

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi

IJOY PARVOZ



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Азиз ватандошлар!
Муҳтарам меҳмонлар!
Бугун мана шу гўзал ва муҳташам майдонда сиз, азиз юртдошларимиз билан кўришиш, барчангизни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни биз учун энг улуг ва энг азиз бўлган Ўзбекистонимизнинг Мустақиллик куни билан чин қалбимдан табриклаш — мен учун катта бахт, катта шарафдир.

Мустақиллик биз учун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартирган, тарихимизда янги саҳифа очган буюк воқеа бўлиб, Ватанимизни, халқимизни эски мустабид тизим кишанларидан озод қилгани, миллий демократик давлат қуриш, барча мамлакатлар ва халқлар билан тенг бўлиб, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини очиб бергани билан қадрли ва мўътабардир.

Айнан мустақиллик топталган қадриятларимизни, дину дённатимизни, ору номусимизни тиклаш, ўзлгимизни англаш, халқимизнинг орзу-интилишларига, миллий манфаатларига жавоб берадиган келажагимизни қуриш йўлини очиб бергани билан тарихимизда абадий сақланиб қолажак.

Айнан мустақиллик шарофати билан мард ва матонатли халқимиз тарихан қисқа даврда амалга оширган оламшумул ишлар туфайли шаҳар ва қишлоқларимизнинг, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётгани, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати юксалаётгани, бугун Ўзбекистонимиз замонавий давлатлар қаторига кираётгани — ўзингиз айтинг, азиз дўстлар, мустақилликка эришмасдан туриб, бундай марраларга етиш мумкинми?

Бунга жавоб битта — йўқ ва асло йўқ.

Бу фикрнинг аққол тасдиғини аввало босиб ўтган йўлимиз ва мамлакатимиз кўйган қадамларда кўриш, кузатиш қийин эмас.

Ўзбекистонимиз иқтисодиёти, жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган инқирозга қарамадан, истиқлол йилларида 5,5 қаррадан зиёд ўсгани, аҳолимизнинг реал даромадлари жон бошига 9 марта кўпайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Мамлакатимиз ер юзидаги энг тез суръатлар билан ривожланаётган давлатлар орасида бугун беиничи ўринни эгаллагани ва сўнгги ўн бир йил давомида ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш ҳажми 8 фоиздан юқори бўлиб келаётганининг ўзи барчанинг ҳаваси ва ҳайратини уйғотиши табиийдир.

Бугунги кунда дунёдаги энг нуфузли халқаро иқтисодий ва ижтимоий марказларнинг охириги маълумоти бўйича, Ўзбекистон «Бутунжаҳон бахт индекси»да 158 та мамлакат ўртасида 44-погонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллагани барчамизга гурур-ифтихор бағишлайди ва янги уфқларни забт этишга ундайди.

Биз кўлга киритган ўсиш суръатлари, эришган марралар ва уларга олиб келган сабаблар ҳақида албатта кўп гапиришимиз мумкин. Лекин бу ҳақда сўз юритганда, бундай улкан ютуқларимизнинг энг муҳим омили ва мезони борки, у ҳам бўлса, замон ўзгариши билан халқимиз, одамларимизнинг дунёқарashi, онгу тафаккури, ҳуқуқий маданияти, сиёсий фаоллиги, фуқаролик масъулияти ва бурчи юксалиб бораётганида намоён бўлмоқда.

Энг муҳими, биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб эски тузумнинг қолип ва ақидаларидан бутунлай холи бўлган, мустақил фикрлайдиган, ҳаётга янгича қарайдиган, буюк ишларга қодир куч сифатида ёш авлодимизни тарбиялашга қаратилган мутлақо янги тизимни яратдик.

Юртимизда ҳар йили 600 мингдан кўпроқ замон талабига жавоб берадиган ёш мутахассислар — камда икки-учта касб-ҳунарни, чет тилларни, Интернет ва ахборот технологияларини, замонавий билим чуққиларини эгаллаган, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр бўлган, кўзи ёниб турган йигит-қизларимиз бугун жамиятимизнинг ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучига айланиб, ҳаётга кирмоқда. Бизнинг энг катта суянчимиз ва таянчимиз бўлмиш ана шундай ёшларга, ана шундай беқиёс салоҳиятга эга бўлган халқни ҳеч қачон ўз йўлидан қайтариб, енгиб бўлмайди. Бунга барчамизнинг ишончимиз комил.

Азиз дўстларим, юртдошларим!

Ҳеч кимга сир эмас — биз юртимизда ўзимизга хос, ўзимизга мос ҳаёт қуришда шошма-шошарлик, калтабинлик ҳолатларига, пала-партиш ишларга асло йўл қўймадик. Бошқаларга ўхшаб, маррани ким тезроқ эгаллайди, деган мусобақаларга қўшилмадик, ўзгалардан нухса олмадик, узоқни кўзламайдиган «маслаҳатчи»лардан йироқ бўлдик. Энг муҳими, ўз тақдиримизга, келажагимизга енгил-елли қараб, таклиф этилаётган кредитларга учиб, қарзга ботганимиз йўқ.

Бир сўз билан айтганда, биз ҳақиқатан ҳам «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун» деган принципга амал қилиб, мақсадимизга эришиш учун босқичма-босқич, эволюцион — тадрижий тараққиёт йўлини маҳкам ушладик.

Чуқур ва пухта ўйланган, машҳур беш тамойилга асосланган, бугунги кунда жаҳон миқёсида «ўзбек модели» деб тан олинган стратегик тараққиёт дастурини ишлаб чиқиб, уни амалга оширганимиз, ҳеч шубҳасиз, тарихимизда ўчмас из қолдириши муқаррар.

Азиз юртдошлар!

Биз олдимизга қўйган олий мақсад, яъни, тараққий топган давлатлар қаторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш, халқаро ҳамжамиятга юксак обрў-эътиборга сазовор бўлиш йўлидаги эзгу ният ва орзу-интилишларимиз барчамизга яхши маълум, деб ўйлайман.



Шу билан бирга, ҳаммамизга аёнки, биз яшаётган XXI аср, тез суръатлар билан ривож топаётган глобаллашув жараёнлари, интеллектуал меҳнат ва Интернет ҳаётимизга чуқур кириб бораётгани, жаҳон бозорида рақобат курашининг миқёси, кескинлиги ва бешафқатлиги тобора ортиб бораётгани бугунги кунда ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ олдида ўта муҳим ва долзарб талабларни қўймоқда.

Бугун кимки, қайси давлат ана шундай ўткир талабларга итоат қилиб, уларга ҳамоҳанг бўлиб яшамаса, ҳеч шубҳасиз, бундай давлат жаҳон тараққиётининг чеккасида қолиб кетиши муқаррар. Ўзбекистонимизда ҳам бунга йўл қўйишга бизнинг ҳеч қандай ҳаққимиз йўқ, десам, ўйлайманки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан. Чунки биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз, иншооллоҳ.

Шу борада бизнинг асосий вазифамиз — мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётимиз ва унинг тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини ошириш, жаҳон бозорида ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдир.

Бугунги кунда иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга ошириш, саноатимизни диверсификация қилиш, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш тармоқлари ва янги иш ўринларини ташкил этиш бизнинг энг устувор, энг долзарб вазифамиз бўлиши даркор.

Конституциямизда муҳрлаб қўйилган хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, унинг йўлида гов бўлиб турган барча тўсиқ ва чеклов-

ларни бартараф этиш, иқтисодиётимизда давлат ҳиссасини асосланган даражага қалар қисқартиришни бутун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганини барчамиз чуқур англаб олишимиз зарур.

Азиз дўстлар!

Ҳозирги кунда яқин ва узоқ атрофимизга назар ташлайдиган бўлсак, турли қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар, тўқнашув ва қон тўкишлар, низо ва адоватлар кучайиб бораётганини, мухтасар айтганда, вазият гоят қалтис бўлиб, тобора мураккаб ва кескин тус олаётганини кўрмас-лигимиз мумкин эмас.

Бундай ўта таҳликали вазиятда бизнинг олиб бораётган сиёсатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида, халқаро қонун ва нормаларда муҳрлаб қўйилган асосий принципларга риоя қилиш, юзага келадиган қарама-қаршилиқ ва низоларни ўзварагонлик билан эмас, фақатгина тинч ва сиёсий йўл билан ҳал этишни, бугунги кунда дунёнинг турли ҳудудларида давом этаётган уруш ва қон тўкиш ҳолатларини сўзсиз тўхтатишни назарда тутати.

Яна ва яна бир бор айтиб ўтишни зарур деб биламан: Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокка қўшилмайди, ўз ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлаштирилишига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисида бўлишига мутлақо йўл қўймайди. Ўзбекистон давлатининг қонуни даражасига кўтарилган бу тамойилларни, айни шундай чуқур ўйланган йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри, энг маъқул деб биламиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Илгари ҳам айтганман — бизга, халқимизга тинчлик ва омонлик керак. Бу — ўзбек халқининг истиғи, бу — ўзбек халқининг мақсади, бу — ўзбек халқининг қароридир.

Биз бошимиздан кечириётган замон барчамиздан аввало огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, тинч ва осуда ҳаётимиз учун, мусаффо осмонимизни ҳимоялаш учун курашишимизни талаб қилади.

Шу мақсадда биз яқин ва узоқ қўшниларимиз билан тил топишиб, ўзаро дўстона муносабатларни, минтақамизда ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган, бизга яқиндан ёрдам ва қўмак бериб, ҳамкорлик қўлини узатиб, доимо хайрихоҳ бўлиб келаётган хорижий мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, барча чет эллик меҳмонларимизни самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

Азизларим, қадрли юртдошларим!

Бир ҳақиқат ҳеч қачон ҳаёлимиздан кўтарилмаслигини истардим. Биз йигирма тўрт йиллик мустақил тараққиётимиз давомида қандай улкан ютуқларга эришган бўлсак, турмушимиз янада обод ва фаровон бўлиб, одамларимизнинг ҳаётдан розилиги ортиб бораётган бўлса, бунинг негизда аввало тинчлик ва осойишталикни сақлаб, азал-азалдан шундай фазилятларни кўз қорачигидек асраб, ёш авлодимизни ана шу руҳда тарбиялаб келаётган халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақлу заковати, мустаҳкам иродаси мужассамдир.

Бугун шу юксак минбардан туриб, сиз, азизларнинг номингиздан, шаҳсан ўз номимдан меҳнаткаш ва бағрикенг, олижаноб халқимизга таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Оилаларимизни, ҳаётимизни эзгулик ва меҳр нури билан чароғон этиб келаётган, дунёдаги энг гўзал, мунис аёлларимиз, опа-сингилларимизга бахту саодат, хонадонларига файзу барака тилайман.

Мана шу муаззам майдонда жам бўлган сиз ёшларга, сизлар орқали юртимизнинг барча ўғил-қизларига, менинг азиз фарзандларимга ўзимнинг самимий меҳрим ва чуқур ишончимни яна бир бор билдирмоқчиман.

Ишонаман, барча-барчангиз сизга мансуб бўлган куч-ғайрат ва қатъият, изланиш ва яна бир бор изланиш, замонавий билим ва тажрибаларни ўзлаштириш билан ўз олдинизга қўйган эзгу мақсадларга албатта эришасиз, жамиятимизда муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллайсиз.

Ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим, эртанги кун — келажақ сизники!

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Мана шу ҳаяжонли, унутилмас дамларда сизларни Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрами билан яна бир бор табриклаб, қалбимда, юрагимда бўлган энг гўзал, самимий тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Барча эзгу ишларимизда Яраттанинг ўзи қўлласин, ўзи мададкор бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин! Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ЮКСАК МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Юртимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Ушбу Фармонга кўра, институтимизнинг қуйидаги профессор-ўқитувчилари ҳам юксак унвон билан тақдирландилар.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» Музаффарова Саодат Хайдаровна — Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти вокал кафедраси ўқитувчиси



«Меҳнат шухрати» ордени билан Қобилов Насрулла Кўчқорович — Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти доценти



«Дўстлик» ордени билан Ахимбетова Гулбахар Канатбаевна — Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали ўқитувчиси



«Шухрат» медали билан Алланбаев Рудакий Оринбаевич — Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти вокал кафедраси катта ўқитувчиси



Халқимизнинг бой маънавий меросига назар солсак, азалдан кексаларни қадрлаш, эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш миллий қадрият даражасида эътироф этиб келинган. Аждодларимиз «Қари билганни пари билмас», «Қариси бор уйнинг баракаси бор» деб уқтириб келишган. Ўзбек халқининг анъанавий маданиятига кўра кексалар олдида салом бермасдан ўтиш салбий баҳоланган. Устоз-мураббийларнинг беминнат хизматини қадрлаш, уларнинг дуоларини олиш, насиҳатларига қўлоқ солиш ижобий баҳоланган. Ёшларнинг қариялар олдидаги шарму ҳаёси, андишаси, орияти, меҳр-шафқати, ҳолатбарорлиги, уят сўзлардан ўзларини сақтай олиши эътиқод ва иймон даражасига кўтарилган.

Шарқда кексаларни эъзозлаш миллий менталитет даражасида туради. Бу ахлоқий фазилат ҳар бир болага ёшлигидан оила даражасида сингдириб борилади. Оғир ишларнинг аксариятини ёшлар бажарди. Тўй-маъракаларда ёши катталарга ҳурмат кўрсатилиб, юқоридан жой берилди. Турли миллий ва диний байрамларда кекса одамларни йўқлаб, ҳолидан хабар олиб туриш шарт ҳисобланади.



Ўз навбатида, ҳаёт мураккаблиklarини енгган, қийинчиликда чиниққан ақли расо кексалар ўтмишдан мерос бўлиб келаётган ва кундалик ҳаёт учун зарур бўлган барча таомил, урф-одатларни ёшларга ўргатганлар. Шу боис, болалар нафақат ота-оналарнинг, балки маҳалла катталарининг ҳам эътиборида бўлишган. Шу тарзда катта ва кичик авлодлар ўзаро муносабатларининг узвийлиги таъминланган ва ёшларда инсоний фазилатлар шаклланиб боришига эришилган.

Ўзбекларнинг бундай хусусиятини Президентимиз И.А.Каримов шундай таърифлаганлар: «Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил. Бизлар тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, бевабечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, ҳуллас, одамгарчиликни ҳаммадан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўламиз». Бу ўзбек халқига берилган гоят юксак таъриф.

Шундай қилиб, аждодларнинг авлодларга қолдирган маънавий меросининг ижобий, фойдали жиҳатларини тўла-тўқис етказишда кексаларнинг ўрни, хизмати беқиёсдир.

Мафтуна ШОДИЕВА
Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш бўлими
4-курс талабаси

Маълум бўлишича, ҳар ўн икки йилда инсон маънавий, руҳий олами ўзгаришлар даражасида тўғри келар экан. Бундай ботиний жараён тажассумини юртимиз мустақиллиги билан ҳам менгаш мумкин. Шояд, ўтган 24 йил, том маънода, Ўзбекистон тараққиётининг муҳим босқичларини белгилаб берди. Айниқса, санъат ва маданият соҳаларида амалга оширилган ислохотлар алоҳида аҳамиятга эга.

Хусусан, Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этиш (1997), Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография (1997), театр санъати (1998) ҳамда эстрада қўшиқчилигини (2001) ривожлантириш тўғрисидаги бир қатор ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши, «Ўзбекнаво» (1996), «Ўзбектеатр» (1998), «Ўзбеккино» (2004) Миллий агентлиги сингари бирлашмаларнинг ташкил этилиши негизда тасвирий санъат, рақс, театр, кино, эстрада соҳалари янги ижодий изланишлар палласига қадам қўйди. Эътиборлиси, уларда миллий хусусият, мавзулар кўламини кенгайтиди. Соҳалар бўйича кадрлар яратиш масаласи бирламчи вазифага айланди.

Агар мустақиллиқнинг дастлабки ўн йиллигида санъат ва маданият тармоқлари ғоявий бўшлиқни тўлдириш, аждодлар хотирасини тиклаш, ўзликка қайтиш сингари устувор вазифаларни бажарган бўлса, кейинги давр мобайнида жамият ҳаёти билан боғлиқ ижтимоий масалаларга эътибор қаратилди. Шу кезлари яратилган



«Кулол ва хурмача» (1991), «Абдуллажон» (1991), «Тангалик болалар» (1992), «Юлдузнинг бер, осмон» (1995), «Отандан қолган далалар» (1998), «Ёлғиз ёдгорим» (1998), «Алпомиш» (2000) сингари фильмлар, «Соҳибқирон Темур» (1996),



«Кундузсиз кечалар» (1997), «Чимилдиқ» (1997), «Пири Коинот» (1999) каби спектакллар мисолида истиқлолнинг илк ижодий тенденциялари намойён бўлди.

Шунингдек, сўнгги йилларда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Сени қўлаймиз, замондош», «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танловлари, «Шарқ тароналари», илк бор пойтахтда ташкил этилган «Competizione dell'Opera» халқаро фестивал-

лари ҳам мустақиллик солномасидан муносиб ўрин эгаллаб келмоқда.

Ижобий ўзгаришлар силсиласи бевосита таълим жараёнларига таъсир этмай қолмади. Хусусан, 2012 йил 4 июндаги Президент

Қарори билан ташкил этилган Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти ҳозирда театр, кино ва телевидение йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлайдиган республикадаги ягона олий таълим муассасаси сифатида фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда институтда Республика ва халқаро танловларда ғолибликни қўлга киритган 120 дан ортиқ иқтидорли талабалар, қатор стипендиантлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари тахсил олмоқда. 2014 йил ўтказилган «Тафаккур синовлари» республика танловида институтнинг «Катарсис» жамоаси, Республика Олий таълим муассасалари талабалар турар жойлари ўртасидаги кўрик-танловда институтнинг 2-талабалар турар жойи фахрли биринчи ўринларни эгаллади.

Қувонарлиси, қайси соҳада бўлмасин, интилувчан ёшлар дадил қадам босмоқда. Уларнинг мустақиллик тенгдошлари эканлиги ҳам тасодиф эмас. Зеро, бу юртимиз истиқлолининг қисқа вақт ичида амалга ошириб келаётган улкан бунёдкорликларидан далолат.

Азиз МАТЕҚУБОВ
Санъат назарияси ва тарихи
йўналиши 1-курс магистранти



Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ижтимоий-иқтисодий тизимнинг барча соҳаларида ижобий ўзгаришлар юз берди. Айниқса, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар эътиборга лойиқ. Президент Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида баён этган «Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмақда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, бунга кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб қўйиш, ҳеч шубҳасиз замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддоаларимизга ҳам тўғри келмайди», — деган фикрлари барча учун, айниқса, таълим тизимида фаолият кўрсатаётган педагоглар учун дастуриламал бўлиши лозим.

Таълим жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш учун республикамизда илмий, услубий, моддий-техник ва ташкилий асослар мавжуд. Виртуал таълим деганда, мавҳум бир ҳолатдаги таълим эмас, балки реал таълим тизимининг ахборот технологиялари (мультимедия) муҳитидаги ҳолатини тушуниш керак. Демак, виртуал таълим ўз ичига таълимни ахборотлаштириш, таълимда мультимедия ва тармоқ воситаларидан фойдаланиш, электрон ўқув ресурслар ва ўргатувчи тизимларни яратиш каби жараёнларни ўз ичига олади. Бошқача қилиб айтганда, виртуал муҳит бу реал жараённинг компьютер моделидир. Биз таълим жараёнларини компьютер моделларини ярата олсак, демак таълим жараёнлари, хусусан, ўқитиш жараёнларидаги қонуниятларни билган бўламиз. Бунинг оқибатида эса таълим жараёнларига таъсир этувчи омилларнинг хусусиятини ўрганиш ва таълим жараёнларини интеллектуал бошқаришимиз мумкин. Виртуал дарс жараёнида ўқитувчи назарий ва амалий материалларни ўқувчига тақдим этиши, ўқувчи томонидан олинган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаши ва дарс сўнггида ўқитувчи

талабалар томонидан билимларни қай даражада ўзлаштирилганлигини баҳолаш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга таълимни ахборотлаштиришда юзага келадиган баъзи муаммоларни ҳам таъкиллаб ўтиш жоиздир.

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида ўқитиладиган баъзи мутахассислик фанларида фан тузилмаси, тарихига оид дидактик материалларни виртуаллаш имконияти мавжуд бўлган ҳолда, унинг базавий қисми бўлган амалиёт ва кўникмаларни шаклланиш жараёнларини прогрессив ва анъанавий усулларда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бунда дарсни қай даражада виртуаллаштириш муаммоси юзага келади. Масалан, чолгу ижрочилиги, вокал, саҳна ҳаракати каби фанларни ўқитишда классик ёндашув яхши самара беради. Яна бир муаммо, санъат ва маданият соҳасидаги фан ўқитувчиларининг нафақат компьютер саводхонлиги, балки электрон ўқув ресурслар яратиши, электрон нашрларга ўз материалларини жойлаштириши, умуман олганда ҳар бир педагог ўзининг виртуал кабинетини яратиши ва ундан таълим жараёнларида фойдалана олиши ҳозирги кунда долзарб масала бўлгани ҳолда фан ўқитувчиларининг доимий эътиборида бўлиши керак. Бу масалани ижобий ҳал этиш учун институтимизда барча шарт-шароитлар яратилган, жумладан, ҳар бир кафедрада тармоққа уланган компьютер техникалари, ёрдамчи ускуналар, интернет тармоғи, виртуаллаштирилган ахборот-ресурс маркази бор. Тармоқ малака ошириш Марказида «Информатика ва ахборот технологиялари» ва «Таълимда ахборот технологиялари» фанлари бўйича машғулотлар ташкил этилган. Булардан институтимизнинг ҳурматли профессор-ўқитувчилари ва талабалари унумли фойдаланишса, таълим соҳасида янги ютуқларга эришишлари аниқдир.

Бахтиёр РАДЖАБОВ
Информатика ва табиий фанлар кафедраси мудири,
«Дўстлик» ордени совриндори,
техника фанлари доктори, профессор

КУЙЛАР, МЕНИНГ ҚАЛБИМ САДОСИ

Санъат бўстони ўзининг буюк ҳофизлари-ю, дил торларини черта оладиган оҳанг яратувчи бастакорлари билан гўзал. Мана шундай яратилган ижод намуналаридан халқимиз доим баҳраманд бўлиб келган. Устоз бастакорларимиз Мутал Бурҳонов, Дони Зокиров, Фахриддин Содиқов, Комилжон Жабборов, Салоҳиддин Тўхасинов, Сайидхўжа Холдорхўжаев, Фанижон Тошматов, Фуломжон Хўжакуловларнинг асарлари ҳозирги кунгача мухлис-ларимиз томонидан севиб тинглаб келинади. Бундай асарларни умрбоқий бўлишида Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султонов, Саттор Ярашев, Эргаш Йўлдошев, Фаттоҳон Мамадалиев, Орифхон Хотамов, Ориф Алимахсумов, Очилхон Отахонов, Эсон Лутфуллаев сингари забардаст ҳофизлар беқиёс ҳисса қўшган.

Қўшиқ мавж уриб оқаётган дарёга қиёс этилади. Агар қўшиқ оқар дарё бўлса, бир қирғоғи бастакор, иккинчи қирғоғи эса шоир. Ҳозирги кунда шундай хайрли ишларни шоғирдларига ўргатаётган устозлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти катта ўқитувчиси Аҳмаджон Дадаевдир. Аҳмаджон Дадаевнинг халқ орасида танилиб, ҳурмат



топишига сабаб бўлган дастлабки ижроларидан бири Ориф Одилхонов шеърига ўзлари куй басталаб ижро этган «Умидим қолди» қўшиғи бўлди. Бу эса Аҳмаджон Дадаевни бастакор сифатида янада илҳомлантирди. «Билмасмикан», «Хабар юбордим», «Она алласи», «Вафо қилармисан», «Тарона бўлса», «Онадир», «Меҳрибоним йўлига» сингари бир қатор қўшиқлари сўзимизнинг исботи бўла олади. 1979 йилдан бошлаб Ўзбекистон радиоси қошидаги Юнус Ражабий номидаги «Мақомчилар» ансамблида созанда сифатида ишлай бошлади. Мана шу ўтган даврни Аҳмаджон Дадаев ижодининг энг сермахсул ва катта тажриба мактаби деб ҳисоблайди. Бу даврда миллий ва мумтоз қўшиқчилигимизнинг забардаст бастакорлари ва ҳофизлари билан бир сафда ижод қилди.

Ҳозирги кунда Аҳмаджон Дадаев устозларидан ўрганган санъат асарларини Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг халқ ижодиёти ва анъанавий қўшиқчилик кафедрасида ёшларга ўргатиб келмоқда.

Баҳром ЮСУПОВ
Халқ ижодиёти ва анъанавий қўшиқчилик кафедраси мудири

КИНООПЕРАТОРСКОЕ ОСВЕЩЕНИЕ



Художественное освещение объектов киносъёмки называют кинооператорским. Оно осуществляется осветительной аппаратурой, создавая на съёмочном объекте достаточную для фотографирования освещённость. Характер освещения должен соответствовать драматургии снимаемой сцены, выявлять объёмно-пластические формы фигур и декораций. Посредством операторского освещения кинооператоры решают «киноживописные» задачи — светотональные в чёрно-белых фильмах и световые в цветных. Искусство кинооператорского освещения (или, как говорят кинооператоры, «работа со светом») является основой кинооператорского мастерства. Идеи кинооператорского освещения, разработанные русскими мастерами Э.Тиссэ, А.Головнёй,

А.Москвиным и другими кинооператорами «немного» кинематографа, во многом способствовали развитию этого искусства.

Искусство и техника кинооператорского освещения складывались вместе с развитием кинематографа. Первые декорации освещались сплошным равномерным светом дуговых и ртутных светильников. Кинооператорское освещение одним из первых применил в своих фильмах кинооператор А.Левицкий — «рембрандтовский свет» для крупных планов и эффектное освещение для общих планов декораций.

Развитие звукового кино в 30-40-х гг. требовало продолжения работы над совершенствованием кинооператорского освещения. Появление панхроматических киноплёнок позволило заменить дуговые осветительные приборы другими приборами — с лампами накаливания, что улучшило условия работы и позволило кинооператорам создавать устойчивое освещение для всех кадров, снимаемых в декорациях. Появление цветного кино выдвинуло перед кинооператорами новые художественные задачи. Кинооператор В.Павлов, применив «сплошное» освещение для съёмки цветных объектов, достиг точной цветопередачи. Л.Косматов первый использовал в цветном кино светотеневое, а затем и цветное освещение. С.Урусовский применил разработанный А.Москвиным в чёрно-белом кино метод «задымления» и достиг высокой выразительности в колористическом решении фильма.

В практике обучения будущих кинооператоров искусству кинооператорского освещения приняты следующие разновидности света: 1) «рисующий свет»; 2) «заполняющий»; 3) «моделирующий свет»; 4) «контровый свет»; 5) «фоновый» свет — освещение фонов, на которых вырисовывается ключевой объект.



Азизбек РАХМОНОВ
Студент 2-курса отделения операторского мастерства

АКТЁРЛИК МАҲОРАТИ

Бу борада институтимизда амалга оширилаётган ишлар талайгина. Ахир «Санъат институти»нинг юзи бўлган актёрлик соҳаси биз учун жуда катта мактабдир. Яқинда кино, телевидение ва радио режиссёрлиги бўлими 4-курс талабаларининг «Актёрлик маҳорати» фанидан курс иши топширилди. Бўлажак режиссёрлар аввало, ўз актёрлик маҳоратларини синаб кўришиди. Курснинг бадий раҳбари, режиссёр Ҳилол Насимов, «Режиссёрлик маҳорати» ўқитувчиси Бурҳон Шаропов, «Актёрлик маҳорати» ўқитувчиси эса Александр Кудрявцев.

Маҳоратда жаҳон драматургиясининг тўрт намуна-сидан парчалар кўрсатилди. «Сўнгги тонг» (Регаст), «Хонума хоним» (Цагарели), «Ўлим душмани»



ҚОРАҚАЛПОҚ ЖИРОВЧИЛИК САНЪАТИНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ

Жиров бу дostonлардаги қаҳрамонликни, эркинликни, куч-қудратни жирлайди. У халқум овозда, кенг диапазонда қўбиз сози билан дostonларни жирлайди. Қўбиз Қорақалпоқ халқининг энг эски соз асбоби, қўбиз созида қайғули овоз гуриллайди. Унинг қайғули ноласида, эгилган тулғасида қандайдир сир борлиги сезилади. Қўбизнинг гурулдисидаги овозда аждoдларимизнинг қаҳрамонлиги, ўз ватанига садоқати, халқнинг ички дунёсини тебратувчи катта мазмунга тўла сир борлиги сезилади. Қорақалпоқ жировчиликлари санъати томонидан қўйлиб келаётган «Алпомиш», «Қирқ қиз», «Едиге», «Шарияр» дostonлари сингари халқимизнинг ўтмишидан хабар берадиган ўлмас дурдона асарларини эшитиб, катта бўлган болалардан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Дейлик, «Алпомиш» дostonини эшитган бола аввало тарихни билади, Алпомишнинг қаҳрамонлигини, ватанига ва ёрига бўлган садоқатини кўриб, болани ўзининг ҳам қалбида ватанига нисбатан садоқат нури таралади.

«Алпомиш» дostonи фақат ўзбек ва қорақалпоқларда эмас, қатор туркий халқлар оқимларининг ижодида қадимдан қўйлиб келган асардир. Қорақалпоқларда «Алпамыс», татар ва бошқирларда «Аппашма», уйғурларда «Алип Манас» номлари билан машҳур бўлиб келган. «Алпомиш» дostonи инсонпарварлик ва адолат ғояларини ўзида мужассам этган асардир. Дostonдаги асосий воқеалар Кўнғирот юртида бўлиб ўтади.

Дostonда юксак инсонийлик, адолатпарварлик, ҳақиқий дўстлик, севги, садоқат, Ватан тўйғуси каби юксак ғоялар қўйланади. Қисқа қилиб айтганда, Алпомиш тимсоли ёшларимиз учун тарбия мактаби вазифасини ўтаб беради. Чунки у ҳақиқий халқ қаҳрамони, ўзбек паҳлавонидир.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, бу ўлмас асарни халқимиз асрлар давомида яратган, ўз иймон-этиқодидек асраган. Аждoдларимиз «Алпомиш» дostonи асосида тарбия топган, ўзлигини англаган, маънавий бойликка эга бўлган. Демак, халқимиз бор экан, Алпомиш сиймоси ҳам барҳаёт. Чунки «Алпомиш» дostonи ижодий тафаккуримиз, маънавий бойлигимизнинг ёрқин намунаси бўлиб, тарихий илдишларимизнинг қанчалик чуқур экани, халқимиз қандай табиий-ижтимоий муҳитда шаклланиб, ривожланганини, аждoдларимизнинг олис даврларда ҳам жамоа бўлиб, бир-бирига елкадош бўлиб, ўз бошига тушган қийинчиликларни биргаликда енгиб яшаганини ёрқин бўёқларда тасвирлаб беради.

«Алпомиш» дostonи миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлоддан-авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир.

Бугунги жировларимизнинг олдида турган асосий вазифа аждoдларимиз «жасорати», фидойилигини тараннум этиб, ёшлар маънавиятини бойитишга ҳисса қўшишдир.

Достон ҲАҚБЕРДИЕВ
Фольклор-этнографик жамоаларига раҳбарлик бўлими 2-курс талабаси

(Шолохов), «Какку уяси узра парвоз» (Кизи) каби асарлар талабалар ижросида жонланди. Улар ўзининг актёрлик ва режиссёрлик маҳоратини намоён этишди. Алиқулов Машраб, Халимова Севара, Собирова Сайрам, Султонов Санжар, Саломов Абдусамат ва бир қатор талабалар ўз ижодий маҳоратини кўрсатишди. Айниқса, овоз режиссёрлигида катта меҳнат қилинганлиги сезилди. «Хонума хоним» комедиясининг ижро услубида ўзига хос янгиликлар топилган, кучли импровизациялар кўрсатилган. Ниёзов Сухробнинг князь ролдаги характер ва талқин сезиларли ўзгарган. Шунингдек, талабаларнинг грими устида Феруза Жалилова ишлаган.

Ижодий ишда ўзига яраша айрим камчиликлар ҳам бўлди, аммо бўлажак режиссёрлар бу борадаги маҳоратларини янада ўстириб, келажакда ўзбек санъатида етуқ издошлар бўлиб чиқишларига шак-шубҳа йўқ.

Достонбек РАХМАТУЛЛАЕВ
Саҳна ва экран санъати драматургияси бўлими 3-курс талабаси



«МЕН»НИНГ ШАКАЛАНИШИ САРИ...

Инсон ўзининг қилаётган ишидан мақсади йўқлигини сезса, у тушуниб бўлмас тушкунлик ҳолатига ўралиб қолади. Аввал ўйлаб, керакли инсонлар билан маслаҳатлашиб, бирор мақсад, келажакни кўзлаб қилинган иш самарали бўлади. Инсон авваламбор ёшлигидан эркин фикрлай олишга ўрганган бўлиши лозим.



Акс ҳолда, юқорида келтирилган муаммога дуч келиши мумкин. Бегоналар олдида ўзини эркин тута олиш, ўз фикрини билдиришдан уялмаслик инсоннинг керакли вақтда керакли инсон бўлишига замин яратади ва ундай инсонлар кўзланган мақсадларига эришадилар.

Аксинча, ҳамиша унга кимлардир мадад бўлган, бировларнинг маслаҳати билан иш тутадиган, ўзгаларнинг фикри билан яшайдиган, эркин фикрлаш доираси суст инсонлар эса ўзгалар қўлида ўйинчоқ бўлишлари ҳеч гап эмас.



Албатта, атрофимиздаги катталар, устозларнинг фикрига таянган ҳолда иш тутиш зарар қилмайди. Аммо ҳар нарсанинг ҳам чегараси бўлганидек, ўзгаларнинг гапларига қулоқ солишнинг ҳам ўз вақти бор. Ҳамиша ҳам ўзгалар фикрига таяниб яшаб бўлмайди. Акс ҳолда, «шахсий фикр», «мен» тушунчалари кўринмай қолади.

Бегоналар олдида ўзини эркин тута олмайдиган, бирор бир ишда доимо иккиланиб яшайдиганлар ҳам ҳаётимизда учраб туради. Улар кўп вазиятларда ўз фикрларини ўзгартириб турадилар. Бундай характерга эга инсонлар ўз ҳаёт йўллари давомида бирор бир тайинли иш қила олмайдилар. Бошлаган ишлари ҳам ярим йўлда қолиб кетади. Бу эса келажаксиз ҳаёт демакдир.

Ҳар соҳада бўлмаса ҳам, танланган соҳада фаол бўлиш инсонни етук бўлишида ўз самарасини беради. Бунинг учун ўз устида ишлаш, атрофдагилар билан самимий бўлиш, бошлаган ишни охирига етказиш, масъулиятни ҳис қилиш ва бир қатор шу каби омилларга амал қилиш лозим!

Гулшан ХОЛМАТОВА

Тиллар ва адабиёт кафедраси ходими

Буюклардан мерос

Жасур ва мард эди боболаримиз,
Оқила, муниса момоларимиз.
Биз улар сингари ташлаймиз одим,
Орзу-умидларга тўла дилимиз.



Қаддин баланд тутган ўғлонларимиз,
Ердан дур ундираб деҳқонларимиз.
Фахрла яшаймиз Амир Темур, Навоий
Ажиниёз, Бердақнинг авлодларимиз.

Буюк обидалар тарихдан сўзлар.
Бир ҳикмат айтади қадимий излар,
Юртни асрагучи, авайлагучи,
Эртанинг иқболи, келажак — бизлар.



Олган ҳунарлару илмимиз билан
Ватан тупроғини айлайлик чаман.
Бошга кўтарайлик Ўзбекистонни,
Буюклардан мерос шу азиз Ватан.

Ақида ОДАМБОЕВА

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг
Нукус филиали Кино, телевидение ва радио
овоз режиссёрлиги бўлими 2-курс талабаси

Nigohlar

Shafqat bilmas makkoralar,
Ishq bog'ida ovvoralar,
Dillar siz-chun ming poralar,
Oh, bu nigohlar.

Uyqu bermas ko'zingizga,
Quloq solmas so'zingizga,
Atalmagan o'zingizga,
Oh, bu nigohlar.

Jisingizga paykon otar,
Qarashlari tig'day botar,
Sizni juda oson sotar,
Oh, bu nigohlar.

Har kun yangi tonglar bilan,
Zo'r zaminu zo'rlar bilan,
O'ylab ko'ring kimlar bilan,
Oh, bu nigohlar.

Og'ir damda qarashmaydi,
Holing bir bor so'rashmaydi,
Savlatinga yarashmaydi,
Oh, bu nigohlar.

Shafqat bilmas makkoralar,
Ishq bog'ida ovvoralar,
Oxir o'zi ming poralar,
Oh, bu nigohlar.

Zulxumor

HAMIDJONOVA

**Kash ta'limi: Aktyorlik
san'ati bo'limi 2-kurs talabasi**



СИЗНИ СЕВМАЙ БЎЛАРМИКАН

Сиз гўзалсиз, ҳам санамлар сарварисиз,
Моҳичеҳрасиз, ҳам парилар пайкарисиз,
Дил ороми, жонларнинг руҳ парварисиз,
Айтинг, жоним, сизни севмай бўлармикан.

Сиз кўкдаги юлдузларнинг хулкарисиз,
Гуллар аро сарви қомат дилбарисиз,
Зар қадрига етган доно заргарисиз,
Айтинг, жоним, сизни севмай бўлармикан.

Сиз дилимнинг порлоқ нури зиёсисиз,
Нозанинлар султонисиз, подшосисиз,
Мадҳ этилган ўшал ширин лайлосисиз,
Айтинг, жоним, сизни севмай бўлармикан.

Сиз ўзингиз шеърларимнинг сарлавҳаси,
Висол бўлармикан менга ёр ваъдаси,
Ишқ йўлида Мирзо қилар жон садқаси,
Айтинг, жоним, сизни севмай бўлармикан.

Оролмирза САФАРОВ

Анъанавий қўшиқчилик кафедраси в.б. доценти



Умид юлдузи...

Кетиб қолма умид юлдузим,
Ёнишингда нигоҳларим бор.
Сен туфайли қулар гул юзим,
Кетсанг менга бу дунёлар тор.

Тор тоқчамда ҳар кун сен билан,
Сўхбатлашсам, севинча тўлсам.
Сўнг ҳаёлан қанот чиқариб,
Бир дам сен-ла самода бўлсам.

Сеҳринг билан очсам қайтадан,
Губор босган ишонч китобим.
Шунда юрак айтса баралла,
«Курашмоқдир» менинг хитобим.

Силаб қўйсанг иссиқ кафтинг-ла,
Меҳрга зор туйғуларимни.
Унутардим бир зумга балки,
Қора юзли қайғуларимни.

Кетма, сенга орзуларимдан,
Ясаб берай оппоқ гулдаста.
Сингиб кетиб дунёларимга,
Уриб тургин ҳар бир нафасда.

Сайёра АҲМАДЖОНОВА

Саҳна ва экран санъати драматургияси
бўлими 3-курс талабаси



БОР ЙЎФИ БИТТА ТАБАССУМ

Сотувчи маҳзун юзли харидорга табассум билан боқади. Харидорнинг кўнгли равшанлашади ва ўтмишда унга яхшилик қилган бир дўстини эслайди. Унга ташаккур мактуби ёзади. Мактубни олган одам шундай севиладики, овқатланаётган ошхонасида официантга тўловга қўшиб суюнчи пули ҳам бериб юборади. Официант пулнинг бир қисmini ўша атрофдаги бир фақирга беради. Икки кундан бери оғзига бир луқма олмаган фақир роса суюнади. У ўз йўлида совуқдан титраётган кучукчага дуч келади. Раҳми келган тиланчи кучукчани кўп қаватли уйнинг ертўласида жойлашган кулбасига олиб боради. Ўша тунда ёнғин чиқади. Кучукча эса то бутун уй аҳли уйғонгунга қадар вовиллайди. Натижада уйда яшовчиларнинг бари ёнғиндан омон қолади. Ўша омон қолганлар ичидаги бир бола йиллар ўтиб улғаяди ва шу юртнинг адолатли ҳокими бўлади. Силсила кўринишидаги яхшиликларнинг барчасига сабабчи арзимас, аммо самимий биргина табассум эди...

ТАҲРИРИЯТ

Муассис:

Ўзбекистон Давлат санъат ва
маданият институти

Бош муҳаррир:
Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

Таҳрир хайъати:
Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Ҳамдам ИСМОИЛОВ
Зулхумор НОРҚЎЗИЕВА
Антонина КОШЕЛЕВА
Умида ҲАСАНОВА
Шохруҳ АБДУРАСУЛОВ

Саҳифаловчи-дизайнер:
Баҳром БОБОЖОНОВ

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри
М.Улугбек тумани, Ялонғоч мавзеси, 127 А уй
Тел.: +99890 349 71 72;
+99871 230 28 13
www.dsmi.uz; dsmi_info@olam.uz

Газета ҳар ойнинг охирига ҳафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.
Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машъал маҳалласи, Марказ — 1.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан
2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.

Газета институтнинг нашриёт-таҳририят
бўлимида тайёрланди.
Ўлчами — А2, ҳажми — 1 босма табоқ
Нусхаси — 2000 дона. Баҳоси келишилган нархда.
Чоп этишга 31.08.2015 да топширилди.